

# **Вазирлар Кенгаши Раиси Қахраман Сариев журналист ва блогерлер билан бундан кейин ҳам ҳамкорлик қилишга тайёрлиги билдирди**

19 декабрь куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ўн биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Камалов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори А.Ходжаев, Олий Мажлис Сенати аъзолари, туман ва шаҳар ҳокимлари ва сектор раҳбарлари қатнашди.

Image not found or type unknown



Шунингдек сессияга «Ел хызметинде» газетаси редактори Д.Тажимуратов, «zaman.uz» сайти администратори П.Ажимуратов, блогер С.Зияев «uza.uz» сайти мухбири Д.Абибуллаев, «kar24» сайти администратори Қ.Бегниязова, «O'zbekiston 24» канали ва маҳаллий телевидение мухбирлари билан газета журналлардан журналистлар қатнашди.

Image not found or type unknown



Сессия кун тартибидаги масала бўйича Қорақалпоғистон Республикасини 2020 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ҳамда келгуси йилги режалар тўғрисида Вазирлар Кенгашининг Раиси Қ.Сариевнинг мурожаатномаси тингланди.

Сессия якуни бўйича ОАВ вакиллари ва блогерлар учун матбуот анжумани ташкиллаштирилди. Унда Вазирлар Кенгашининг Раиси Қахраман Сариев ва сектор раҳбарлари, вазирлик ва бошқармалар раҳбарлари қатнашди.

Image not found or type unknown



Уч соат давом етган матбуот анжумани савол-жавобларга бой бўлди. Журналист ва блогерлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар олди. Яқунда Вазирлар Кенгашининг Раиси Қахраман Сариев журналист ва блогерлар билан бундан кейин ҳам ҳамкорлик қилишга тайёрлиги билдирди.

ҚР вазирлар Кенгаши ахборот хизмати